

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.11.2018.Fil.46.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УРАЛОВ АЗАМАТ БЕГНАРОВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИ ҚЎШИМЧАЛАРИ ТИЗИМИДА МУРАККАБ ВА
«КЕНГАЙГАН ШАКЛ»ЛАР**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)) in
Philological Sciences**

Уралов Азамат Бегнарович

Ўзбек тили қўшимчалари тизимида мураккаб ва «кенгайган шакл»лар
.....3

Уралов Азамат Бегнарович

Сложные и «расширенные формы» в системе аффиксов в узбекском языке
..... 23

Uralov Azamat Begnarovich

Complex and “extended forms” in the system of affixes in Uzbek.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works46

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.11.2018.Fil.46.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УРАЛОВ АЗАМАТ БЕГНАРОВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИ ҚЎШИМЧАЛАРИ ТИЗИМИДА МУРАККАБ ВА
«КЕНГАЙГАН ШАКЛ»ЛАР**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil503 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти веб-саҳифасининг www.tai.uz ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталининг www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Мирзақулов Турсунали Ўтаевич**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Муҳамедова Саодат Худойбердиевна**
филология фанлари доктори

Маҳкамов Неъмат
филология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.11.2018.Fil.46.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (871) 233-36-50, факс: (871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.М.Маҳмудов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Ё.Р.Одилов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, ф.ф.д.,
катта илмий ходим

Д.С.Худойберганова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, ф.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида, хусусан, туркий тилшуносликда морфемаларнинг кўп маънолилиги ва кўп вазифалилиги, маънодошлик, шаклдошлик ва зид маънолилик хусусиятлари батафсил тадқиқ қилинган. Тил морфем қурилиши бирликларидаги плеонастик қўлланишлар, қоришиқ маънолилик, қўшма аффикслар, аналитик ва синтетик формантларнинг юзага келиши, боғли ва асемантик бирликларнинг тўхтовсиз ҳосил бўлиб туриши тил тизимидаги узлуксиз тарихий жараёнларнинг кўриниши сифатида таҳлил қилинади ва улар тилнинг синхрон ҳолатида шакл ва мазмуннинг турлича муносабатларини акс эттиради.

Жаҳон тилшунослигида тил бирликларининг маъноси ҳамда вазифаларини, уларнинг шаклий томонидаги ўзгаришларни аниқлаш тарихий-анъанавий, систем-структур ва антропоцентрик аспектдаги тадқиқотларнинг марказий муаммоларидан бири саналади. Ҳар бир тилга хос шаклий-мазмуний хусусиятларни шу тил мансуб халқдан ажратиб ўрганиб бўлмаслиги ҳақидаги гоё барқарорлашган ҳозирги тилшуносликда морфемаларнинг шаклланиши, тилнинг морфем сатҳидан мустақкам ўрин олиши, морфем қурилиш бирликларини, жумладан, асос ва қўшимчаларни маъно товланишига тилда барқарорлашиш хусусиятларини тарихий манбалар матни асосида аниқлаш долзарблик касб этмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида турли даражадаги туб ислоҳотлар амалга оширилди. Шунга мувофиқ ўзбек тилшунослиги ҳам муҳим натижаларни қўлга киритди. Бу даврда, аввало, лисоний бирликлар миллий тилнинг ривожланиш қонуниятларидан, ўзбек халқининг ижтимоий ҳаёти, миллий тафаккур тарзидан келиб чиқиб баҳоланди. Ўзбек тилининг фонетик, лексик, морфемик ва грамматик сатҳлари бирликларининг лисоний хусусиятлари билан бирга нутқий имкониятлари, турли сатҳ бирликларининг тарихий шаклланиш жараёнлари жиддий ўрганилди. Шу билан бир қаторда, морфем бирликлардаги агглютинация, гиперагглютинация, фузия, морфологик қайта бўлиниш ва соддалашиш жараёнлари таҳлил қилиш орқали мураккаб ва «кенгайган шакл»ларнинг ҳосил бўлиш жараёнларини аниқлаш, уларнинг морфем тизимдаги ўрнини белгилаш ўзбек тилшунослигидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим

муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туркий ва ўзбек тилшунослигида бу борада академик А.Н.Кононов, Н.А.Баскаков, Э.В.Севортян, А.Ғ.Ғуломов, С.Усмонов, А.Ҳожиев, А.Нурмонов, А.Абдуазизов, А.Бердалиев, Ё.Тожиев, Т.Мирзақулов, Н.Маҳкамов, М.Жўрабоева каби олимларнинг ишларида¹ мавзу билан боғлиқ ҳолда турли тарихий жараёнлар кўриб чиқилган.

Ўзбек тилшунослигида қўшма аффикслар масаласи А.Бердалиевнинг «Ўзбек тилида сўз ясовчи қўшма аффикслар»², Т.Мирзақуловнинг «Ўзбек тилида шакл ясовчи қўшма аффикслар»³ номзодлик диссертацияларида кўриб чиқилган.

Ё.Тожиевнинг аффиксал синонимия, сўз таркибидаги тарихий ўзгаришлар⁴, М.Жўрабоевнинг аффиксал омонимия⁵, Н.Маҳкамовнинг аффиксал плеоназм⁶ бўйича тадқиқотларида бу масалалар атрофлича ёритилган. Туркийшунослик ва ўзбек тилшунослигида қўшма аффиксларга шаклан ўхшаш, лекин маъно-мазмун жиҳатидан улардан фарқли белгиларга эга бўлган формантлар (сўзни яхлит ҳолда мураккаблаштирувчилар ёки мураккаб шакллар) ҳамда «кенгайган шакл»лар махсус тадқиқ этилмаган муаммолардан

¹ Кононов А.Н. О фузии в тюркских языках / Структура и история тюркских языков. – М.: Наука, 1971. – С. 124-132; Баскаков Н.А. Историко-типологическая морфология тюркских языков. – М.: Наука, 1979; Севортян Э. Аффиксы глаголообразования в азербайджанском языке. – М., 1962; Гулямов А.Г. Проблемы исторического словообразования узбекского языка. Автореф. дисс. ...д-ра.филол.наук. – Т., 1955; Усмонов С. Ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши. – Т., 2010 (1964); Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Т.: Фан, 2010; Нурмонов А. Танланган асарлар. III жилдлик, 1-жилд. – Т.: Академнашр, 2012; Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1992; Бердалиев А. Словообразующие сложные аффиксы в узбекском языке. Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. – Т., 1970; Тожиев Ё. Ўзбек тили морфемикаси. – Т., 1992; Мирзақулов Т.У. Формообразующие сложные аффиксы в узбекском языке. Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. – Т., 1980; Маҳкамов Н. Адабий норма ва плеоназм. – Т., 1988; Жўрабоева М. Аффиксал омонимларни белгилашнинг формал ва семантик принципларига доир / Ўзбек тилшунослиги масалалари. – Т., 1975. – Б. 88–90.

² Бердалиев А. Словообразующие сложные аффиксы в узбекском языке. Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. – Т., 1970.

³ Мирзақулов Т.У. Формообразующие сложные аффиксы в узбекском языке. Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. – Т., 1980.

⁴ Тожиев Ё. Ўзбек тилида аффиксал синонимия (фёъл бўйича). – Т., 1992.

⁵ Жўрабоева М. Аффиксал омонимларни белгилашнинг формал ва семантик принципларига доир / Ўзбек тилшунослиги масалалари. – Т., 1975.

⁶ Маҳкамов Н. Адабий норма ва плеоназм – Т., 1988.

биридир. Диссертация иши бу жиҳатдан туркий ва ўзбек тилшунослигида морфемика соҳасида бажарилган тадқиқотларнинг мантикий давомидир.

Профессор Н.М.Маҳмудовнинг «Ўзбек тили содда гапларида семантик-синтактик асимметрия» мавзусидаги докторлик диссертацияси нафақат ўзбек тилшунослиги, балки туркий тилшуносликда ҳам муҳим воқеа бўлганлигини ҳам алоҳида қайд этиш зарур¹. Бу ишда мавзуга алоқадор назарий масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, рус ва Европа тилшунослигида муҳим назарий тадқиқотлар бажарилган.²

Ўзбек тилшунослигида морфемика соҳасида шакл ва маъно номутаносиблиги, формантлар ҳамда «кенгайган шакл»лар масалалари юқоридаги манбаларда баён этилган бўлса-да, алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида кўриб чиқилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигининг долзарб муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади морфем бирликларнинг келиб чиқиши, ўзаро муносабати, тилдаги ўрни, вазифаси, фарқли ва ўхшаш жиҳатларини аниқлаш, мураккаб ҳамда «кенгайган шакл»ларнинг лисоний хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

морфем бирликларнинг келиб чиқиши ва бойиш манбаларини далиллаш;
туркий тиллар ва ўзбек тили морфем тизимида фузия қонуниятининг тўлиқ амал қилишини асослаш;

мураккаб шаклларнинг қўшма аффикслардан фарқли томонларини аниқлаш;

луғавий бирликларнинг қўшимчаларга айланиш жараёнида аффиксоидларнинг ўрнини кўрсатиш;

айрим қўшма аффикслардаги қисмнинг маъно-вазифасидан узоқлашиш ёки сусайиш жараёнларини кўрсатиш;

мураккаб ва «кенгайган шакл»ларнинг ўзбек тили морфем тизимидаги мақомини аниқлаш;

«кенгайган шакл»ларнинг қўшма аффикслардан ҳосил бўлиш жараёнини кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек тили морфем тизимида амал қилувчи тарихий жараёнлар, мураккаб ва «кенгайган шакл»лар танланган.

¹ Маҳмудов Н. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка. Автореф. дисс. ...д-ра.филол.наук. – Т., 1984.

² Туралиева Н. Д. Асимметрия имен прилагательных в русском языке. Дисс. ...канд.филол.наук. – М., 2002; Воронцова, Е. А. Формально-содержательная асимметрия в сфере частей речи как основа их функционального сближения. На материале класса прилагательных в английском языке. Дисс. ...канд.филол.наук. – М., 2004; Палутина, О. Г. Асимметрия в структуре концептов первостихий и их номинаций в русском языке и американском варианте английского языка. Дисс. ...канд.филол.наук. – М., 2004.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тили морфем тизими бирликларининг тарихий таракқиёти ва шаклий-маъновий ўзгаришларини аниқлаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-тарихий, чоғиштириш, тавсифлаш, таснифлаш ва компонент таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

морфемалар келиб чиқиши ва бойишининг ижтимоий тафаккур қонуниятлари билан боғлиқлиги, агглютинация ва фузия жараёнларининг амал қилиши ҳамда морфем тизимдаги ўрни очиб берилган;

морфем сатҳда қўшма аффикс, мураккаб ва «кенгайган шакл»ларнинг ҳосил бўлиш хусусиятлари аниқланган;

мураккаб шаклларнинг қўшма аффикслардан таркиб жиҳатидан фарқланиши, айрим қўшма аффикслар қисмларидаги маъновий-вазифавий ўзгариши очиб берилган;

содда ва қўшма аффикслар сирасида мураккаб ҳамда «кенгайган шакл»ларнинг мустақил бирликлар эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мураккаб ва «кенгайган шакл»лар ҳақидаги маълумотлар, тавсия ва хулосалар она тили таълими мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилиши асосланган;

ўзбек тилшунослигининг морфемика сатҳида мураккаб шаклларнинг пайдо бўлиш тарихи илк бор монографик планда назарий аспектда тадқиқ этилган, уларнинг пайдо бўлиш усуллари турли далиллар асосида тўлиқ исботланган;

туркологияда ва ўзбек тилшунослигида агглютинация, фузия, функционал транспозиция ҳамда «кенгайган шакл»ларнинг мавжудлиги, уларнинг шакл жиҳатидан кенгайиши йирик тилшунос олимларнинг фикрига таянган ҳолда аниқланган ва кўрсатиб берилган;

ўзбек тилшунослигини бойитиш мақсадида баъзи морфем бирликлар, жумладан, қўшма аффикслар, аналитик ҳамда синтетик шакллар тушунчасини ифодалаш масаласига оид ишларни кенгайтириш ва такомиллаштириш мақсадида янги лингвистик терминлар: мураккаб ва «кенгайган шакл»ларни киритиш таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Келтирилган илмий маълумотларнинг ишончли, назарий манбалардан олинганлиги, тадқиқот натижаларининг турли таҳлил усуллари ёрдамида аниқланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тили морфем тизимида «кенгайган шакл»ларнинг ҳам мавжудлиги аниқлангани, қўшма аффикс, мураккаб ва «кенгайган шакл»ларнинг лингвистик хусусиятлари очиб берилганлиги, «кенгайган шакл»ларнинг ўзбек тили морфем тизимини бойитишга хизмат қилиши асослангани билан белгиланади;

тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалардан олий таълим муассасаларининг филология ва тилларни ўқитиш йўналиши

талабаларига «Ҳозирги ўзбек адабий тили», «Ўзбек тили морфемикаси» фанларидан дарслик ва кўлланмалар яратишда, махсус курс ва семинарлар ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тили кўшимчалари тизимида мураккаб ва «кенгайган шакл»ларни ўрганиш асосида:

ўзбек тили морфемаларининг келиб чиқиши ва бойиш манбалари юзасидан олинган илмий натижалардан 2017-1-14/3 рақамли «Ўқувчи ёшлар учун олимпия таълимининг самарали тизimini яратиш» инновацион лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16 февралдаги 89-03-684-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳадаги ўқувчилар адабий нутқ кўникмаларини шакллантириш, ўстириш ҳамда такомиллаштиришда морфем бирликлар билан боғлиқ ўринлар такомиллашган;

ўзбек тили морфемалар тизимидаги структур ўзгаришларнинг тарихий сабаб ва қонуниятлари, мураккаб ва «кенгайган» шаклларнинг ҳосил бўлиши ҳақидаги хулосалардан ОТ-Ф8-062-рақамли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16 февралдаги 89-03-684-сон маълумотномаси). Натижада кўшма аффикс, мураккаб ва «кенгайган шакл»ларнинг ҳам деривацион қонуниятларга кўра юзага келишига аниқлик киритилган;

мураккаб ва «кенгайган шакл»ларнинг тур ҳамда кўринишлари юзасидан чиқарилган назарий хулосалардан А-1-61 рақамли «Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминотини яратиш» амалий лойиҳасида аудиомаълумотлар тўпламини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16 февралдаги 89-03-684-сонли маълумотномаси). Изланишлар натижаларида «кенгайган шакл»лар ва уларнинг кўшма аффиксдан ҳосил бўлишига, тил тизимидаги ўрнига оид масалаларга ойдинлик киритилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш, шундан Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 9 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 145 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Ўзбек тили морфемикасида тарихий жараёнлар» деб номланиб, унинг биринчи бўлимида «Морфемаларнинг келиб чиқиши ва бойиш манбалари» ёритилади.

Туркий тиллардаги феълга хос шахс-сон қўшимчалари (келдим, бораман, борасан, борасиз) аслида *мен, сен, биз, сиз* олмошлари билан тарихан боғлиқдир. Лекин шакл ясовчи кўплаб қўшимчаларнинг келиб чиқишини агглютинация ҳодисаси – мустақил сўзларнинг қўшимчаларга айланиш жараёни билан боғлаш ҳар доим ҳам қутилган натижани беравермайди. Шу сабабдан XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб тилда янги морфемалар, жумладан, қўшимчаларнинг келиб чиқиши масаласи тилшуносликнинг долзарб муаммоларидан бирига айланди.

Г.И.Рамстедт, В.Л.Котвич барча қўшимчаларни бу жиҳатдан иккига ажратади: 1) бирламчи шакллар (бу шакллар ўзаклар каби ҳосил бўлган); 2) ясама шакллар ёки мустақил сўзлардан келиб чиққан қўшимчалар¹.

Турк тилшунослари Муҳаррем Эргин ва Вежиҳе Хатиб ўғли қўшимчаларнинг келиб чиқишини қуйидагича кўрсатади:

1. Қадимдан қўшимчалар сифатида ишлатиб келинган морфемалар ёки асл қўшимчалар.

2. Қўшимчаларнинг ўзаро қўшилишидан ҳосил бўлган қўшимчалар.

3. Мустақил сўзлардан келиб чиққан қўшимчалар².

Ўзбек тилшунослигида морфемикага доир қарашлар А.Ғуломов, С.Усмонов, О.Усмонов, У.Турсунов, А.Ҳожиев, Ш.Раҳматуллаев, А.Бердалиев, Ё.Тожиев, Т.Мирзақулов каби олимларнинг тадқиқотларида илгари сурилган.

Биз туркология ва ўзбек тилшунослигидаги тадқиқотлар асосида ўзбек тилида морфемаларнинг юзага келиши, таракқиётини ва бойишини қуйидагича кўрсатамиз:

1. Маънодошлик ҳодисаси туфайли: бунда бир морфеманинг ўрнини боса оладиган бошқа морфемаларнинг кириб келиши орқали бойиган. Ёки айнан бир вазифани бажара оладиган янги, иккинчи морфема пайдо бўлган (ба-, -ли,...).

2. Шаклдошлик ҳодисаси орқали (мустақил аффикслар ўзаро шаклдош бўла олмайди, чунки шаклдошлик ҳодиса қўшимча асосга қўшилгандан кейин юз беради): бунда бир шаклдаги қўшимчага бошқа маъно юкланиши туфайли

¹ Рамстедт Г.И. Введение в алтайское языкознание. – М., 1957. – С. 56; Котвич В.Л. Исследование по алтайским языкам. – М., 1962. – С. 51–52.

² Бу ҳақда қаранг: Кононов А.Н. О природе тюркской агглютинации // Вопросы языкознания. – №4. – М., 1976. – С. 7.

янги маъноли кўшимча пайдо бўлган. Қиёсланг: *китобча* (кичрайтириш: *-ча* урғули) – *мингтача* (тахмин: *-ча* урғусиз).

3. Икки ва ундан ортиқ аффикслар кўшилиши орқали: бунда яхлит кўшма аффикс юзага келиб, морфемик тизимни бойитган. Масалан, *Йўл-да-ш, синф-да-ш* сўзларида ҳам буни кузатиш мумкин: *йўл-дош, синф-дош*.

4. Баъзи мустақил сўзларнинг вақт ўтиши билан аффикс ҳолига келиб қолиши ёки ўтиши орқали ҳам аффикслар миқдори ортиб борган. Масалан, сифатдошлардаги *-диган* аффикси аслида *тургон* сўздан келиб чиққан: *юратурган – юратырган – юратыган – юрадыган – юрадигон – юрадиган* тарзида.

5. Конверсия (кўчиш) орқали ҳам янги морфемалар шаклланган. Шахс оти ясовчи *-чи* аффикси конверсия натижаси бўлиб, тарихан *сувчи* одам, *гулчи* боғбон, *сурнайчи* йигит сингари қўлланишларда сифат ясовчи бўлган, кейинчалик сифатдан кейинги от сўзлар тушиб қолган ва бу кўшимча от ясовчилик касб этган.

6. Бир морфеманинг имкониятлари кенгайиши орқали ҳам морфемалар тизими бойиган. Аффиксларнинг урчиши натижасида уларнинг янги имкониятлари шаклланади. От сўз туркумидаги кўплик шакли ҳосил қилувчи *-лар* аффикси шундай кўшимчадир.

7. Бошқа тилдаги сўзларнинг ўзбек тилига морфема сифатида кириб келиши орқали ҳам морфемик тизим бойиган. Тожиқ тилидан ўзбек тилига аффикс сифатида ўзлашган *кор* («иш»), *соз* («тузатувчи»), *фуруш* («сотувчи»), *дўз* («тикувчи»), *хўр* («емок»), *паз* («пиширмак»), *каш* («тортмок»), *навис* («ёзмок»), *намо* («кўринмок») кабилар шундай бирликлардир.

8. Кўмакчи сўзларнинг аффиксга томон силжиши орқали ҳам морфемик тизим бойийди. Бу ҳолат кўпроқ кўмакчи феъллар доирасида кузатилади. Масалан, ҳозирги-келаси замон феъл шаклининг III шахс бирлик кўрсаткичи *-ди тур* кўмакчи феълнинг *турур* (дурур) шаклидан келиб чиққан: *кела турур / кела дурур / келадир / келади*.

9. Ўзбек тили морфемик тизими бир морфеманинг бир неча вариантларда қўлланиб, кейин алоҳида морфемаларга ажралиши орқали ҳам бойиган. Бундай бойиш алламорфлар (морфлар)нинг вужудга келиши билан боғлиқ. Масалан, *-гани, (-кани, -қани); -гач, (-кач, -қач); -газ (-каз, -қаз, -газ), -гиз (-киз, -қиз, -гиз, -гуз)* каби.

Биринчи бобнинг «Морфемалар тизимида агглютинация ва фузия муносабати» деб номланган иккинчи бўлимида кўшимчаларнинг фузия ва агглютинация усуллари билан ҳосил бўлиши тадқиқ қилинган.

Фузия – янги морфем бирикмалар ҳосил қилувчи жараён, алоҳида усул. Туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида сўзнинг морфем таркиби ўзгармас, турғун ҳолатда тургандек кўринса-да, аслида у мураккаб ўзгарувчан табиатга эга. Умумий тилшуносликка доир адабиётларда тез-тез учраб турадиган куйидаги фикр, агглютинация тамойили асосида тузилган сўзда морфемалараро чегара, туташув нуқталари ҳамиша аниқ кўриниб туради тарзидаги қараш ниҳоятда нисбийдир. Шу маънода А.А.Реформатскийнинг образли тушунтиришича, асос паровоз бўлса, вагонлар аффикслар ҳисобланади.

Агглютинация асосга бирин-кетин қўшиладиган, ҳар бирининг маъно-вазифаси морфемалар аро чегара аниқ кўриниб турадиган ҳодисадир¹. Мазкур фикрларнинг нисбий эканлигини фузия ҳодисаси ҳам исботлайди. Юқоридаги тавсифнинг нисбийлиги асос ва қўшимчаларнинг чегараси ҳамиша ҳам очик, аниқ кўриниб турмаслиги вақт ўтиши билан фузион жараёнлар содир бўлиши эвазига товуш ўзгариши, товушларнинг бирикиб кетиши, аффиксларнинг содаллашиш, қайта бўлиниш жараёнлари содир бўлиши натижасида улар орасидаги «очик кўриниб туриш» ҳолатининг йўққа чиқишида кузатиш мумкин. *Оға+ини – оғайни, бор+а+мен – бараман* сўзларида ҳам фузияга учраб, агглютинацияни юзага келтирган.

Узоқ вақтларгача О.Н.Бётлинг(к) ва В.В.Радловнинг морфемаларнинг келиб чиқиши ҳақидаги фикрлари далилларга тегишли тарзда татбиқ қилинмади: улар туркий тилларда санокли қўшимчаларгина мустақил сўзларга бориб тақалади, деб кўрсатган эдилар. Тарихий-типологик текширишларнинг кенг қамровда олиб борилиши натижасида агглютинатив тиллар, шу жумладан, ўзбек тилининг морфем бойлиги – ҳам ўзак қисми, ҳам қўшимчалар қисми икки етакчи усулда бойиб бориши аниқланди: 1) агглютинация; 2) фузия.

Агглютинация туркий тиллардаги грамматик шаклларни ҳосил қилишнинг қадимий усули ҳисобланади. Икки сўзнинг бирикувидан янги бирлик юзага келади ва бундай бирликлар аналитик ёки синтетик ҳолатда бўлади. Ўзбек тилида ҳам шунга ўхшаш мураккаб морфологик бирликларнинг ясалиш жараёни мавжуд. Бу ҳодиса бир вақтнинг ўзида содир бўлмайди, балки маълум вақт ўтиши билан рўй беради. Агглютинация жараёнида сўзларнинг бошқа сўзлардан ёки бирикмалардан ҳосил бўлиши, аффиксга айланиши тил бирликларининг ўзига хос кўринишлари юзага келишини кўрсатади. Масалан: *келтирмакда турур мен – келтирмактатурмен – келтирмактадурмен – келтирмакдамен – келтирмоқдаман*. Юқоридаги сингари ҳолатлар кўпроқ феъл сўз туркумидаги сўзларда юз берганки, бу агглютинация ҳодисасининг шу туркум доирасида фаоллигини кўрсатади.

«Асимметрик дуализм ва функционал транспозиция» номли учинчи бўлимда номутаносиблик атамаси, унинг тил бирликларида намоён бўлиши, шакл ва мазмун номутаносиблиги ҳамда функционал транспозиция масалалари ўрганилган.

Тил бирликлари, жумладан, морфемик бирликлар ҳам умумий моҳиятини сақлаган ҳолда тарихий-семасиологик, лингвосемиотик, функционал жиҳатдан ўзгариб, қайта тақсимланиш ва ўринлашиш жараёнларига ҳам тортилиб туради. Бундай тортилишлар, тилдаги қайта бўлинишлар тил тизимида турли ҳолатда ва даврда рўй беради. Морфем бирликларнинг бундай усулда кенгайиши ёки торайиши тилда янги морфемаларнинг пайдо бўлиши, лексемаларнинг кўпайишига олиб келади. Тил бирликларида шакл ва мазмун ҳамиша ўзаро боғлиқ. Аммо бу боғланиш мутлақ эмас, балки шакл ва мазмун муносабати турли ҳолатларда мустақилдир. Шакл

¹ Реформатский А.А. Агглютинация и фузия / Морфологическая типология и проблема классификации языков. – М., 1965. – С. 321.

ва мазмуннинг бундай хусусияти нутқ жараёнида янада кўпроқ ифода топади. Тил бирликларидаги бундай ифодаланишлар уларнинг янги имкониятларини кўрсатади.

Транспозиция ҳодисаси ҳақида кўпгина адабиётларда берилган бўлса-да, унинг номланиш ва «кўчиш» атамаси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш Ж.Элтазаровнинг ишларида кузатилади¹. Маълумки, конверсия термини остида сўзлар учун умумий бўлган маънонинг ўзгариши орқали янги маъноли бирликни ҳосил қилиши тушунилади. Бу ҳолатда, асосан, сўзнинг туркуми ўзгаради, яъни бир туркум доирасидан бошқа бир туркум доирасига ўтади. Аммо бу кўчиш бир ҳодисанинг аввалги ҳолатини сақлаб қолиб, янги бир бошқа ҳолатга ўтиши кўринишида эмас, балки аввалги кўринишини сақлаган ҳолда янги маънога ҳам эга бўлишидир. Демак, бу аслида кўчиш эмас, балки маънонинг кенгайишидир. *Янги* (сифат) – *янги* (равиш). *Қаҳрамон, касал, ярадор* сингари сўзлар деярли от сўз туркумига ўтаётганини кузатсак, *чол, кампир* сўзлари от сўз туркумига ўтган. Сифатларнинг отга кўчиши сифатдан кейин келган отнинг тушиб қолиши билан ифодаланади ва отга тегишли барча категорияларни олиб турланади: *касалим, касалинг, касали, касалимиз, касалингиз, касаллари* (аслида, *касал одам*, сифат сўз туркуми)².

Морфемалар таркибида ҳам диахрон жиҳатдан транспозиция жараёни юз беради. Бу ҳолат, асосан, сўзга бирор шакл қўшилишида яққол кўринади: *иссиқ* – сифат, *иссиқда* – от; *лекин* – боғловчи, *лекин* – от. *Темир, гишт, пўлат* сингари сўзлар ҳам аслида сифат сўз туркуми доирасида бўлган: *темир эшик, пўлат болга, гишт бино*. Бугунги кунда бу сўзлар от сўз туркумига мансуб деб қаралади.

Транспозицияда эса ясаиш объекти мавжуд бўлмади (*Аммо унинг лекин бор-да*). Улар грамматик алоқага киришганидан сўнггина функционал транспозиция жараёнини сезиш мумкин: *Яхшига ёндашсанг етарсан муродга, ёмонга ёндашсанг қоларсан уятга. Яхшига, ёмонга* сўзлари функционал транспозицияга яққол мисол бўла олади.

Функционал транспозиция морфемалар таркибида ҳам мавжуд бўлган ва бу жараён узоқ тарихий тараққиёт натижасидир. Келиб чиқиш нуқтаи назаридан *-чи* сифат ясовчи аффикси асосан от, ҳаракат номи ҳамда сифатлардан сифат ясаган: *ашулачи бола, балиқчи одам, сотувчи қиз, қизиқчи йигит* каби. Кейинчалик *-чи* морфемаси конверсияга учраб, от ясовчи морфема бўлиб қолган. Бугунги кунда айни морфема шахс отлари яшаш учун хизмат қилади: *компьютерчи, дастурчи* сингари. Баъзан *-чи, -(у)вчи* аффикслари орқали ясалган от сўз туркумидаги ясамаларнинг маънолари кенгайиб, сифат сўз туркумига тортилишини ҳам кузатиш мумкин: *ёзувчи(адиб)* – *ёзувчи йигит*.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўзбек тили морфемикасида мураккаб шаклларнинг ҳосил бўлиш хусусиятлари**» деб номланади. Ижтимоий онг ва тафаккурда оламнинг лисоний манзараси тобора кенглик касб эта бориши билан тил тарихининг ҳар бир синхрон босқичида мазмуннинг ифода

¹ Элтазаров Ж. Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро алоқаси ва кўчиши. Филол.фан. номз. ...дисс. автореф. – Т., 2007.

² Ўзбек тили грамматикаси. I жилд. – Т.: Фан, 1975. – Б. 47.

имкониятлари ҳам даврга мос тарзда мукаммаллаша боради. Туркий тиллар ва ўзбек тили тарихида айрим синтетик шакллар ўрнига аналитик шакллар, айниқса, феъл кўмакчиларининг фаоллашганлиги кўшма аффиксларга ўхшаш, лекин мустақил тил бирлиги – аналитик формантлар (сўз ва гапни яхлит ҳолда мураккаблаштирувчилар)ни юзага келтирган. Тадқиқотнинг иккинчи боби ана шу масалаларга бағишланган.

Иккинчи бобнинг биринчи бўлимида «Мураккаб шаклларнинг ҳосил бўлиши ва морфем бирликлар доирасидаги ўрни» ёритилади.

Тил кишилиқ жамияти тараққиёти эҳтиёжларига мослашиб, бойиб боргани учун унинг синхрон тизимида аввалги давр бирликлари ҳам турли вазифаларда яшашда давом этади. Қадимги туркий тил ва эски ўзбек тилида жуда фаол қўлланган *-ги, -гу* (ҳозирги-келаси замон сифатдоши) кўшимчаси кейинги даврларда фаоллигини йўқотиб, баъзи шакллар таркибига сингиб кетган. Ана шундай шакллардан бири *боргим келди, ўқигим келади, айтгим келади* даги *-ги кел* аналитик шаклидир. *Боргим, ўқигим, айтгим* каби сўз шаклларида мураккаблаган *-гим (-гум)* аффикси – яхлит бирлик ҳосил бўлган. Аналитик шаклларнинг биринчи – кучсиз қисми мураккаб шакллардан ҳам пайдо бўлиши мумкин.

А.Юлдашевнинг кўрсатишича, *-ги кел-* шакли *аччиги кел*(моқ) кўринишидаги от ясалмалар асосида юзага келади, уларнинг таркибидаги *кел-* ўзининг дастлабки маъносини йўқотади ва шу сабабли сезув феълларини ҳосил қиладиган маълум сўз яшаш моделининг таркибий қисмига айланади. Ихтиёрсиз истак билдирувчи феъл шакллари ҳосил қилувчи (уйқуси келмоқ, айтгиси келмоқ) *-ги кел-* мураккаб шакли қолип мунтазам қолипга айланади. Аслида *-ги кел-* шакли ҳам юқорида қайд этилган *менинг боргим келади* кўринишидаги қурилмаларнинг кейинги қисқаришидан пайдо бўлади: қаратқич келишигидаги сўз бош келишиқ шаклига кўчади, эга эса кейинги феъл сўз билан кесимга айланади. Шуниси ҳам муҳимки, *боргим келади, боргинг келади, боргиси келади, боргимиз келади, боргингиз келади, боргилари келади* қурилмаларидаги эгалиқ кўшимчалари аналитик шаклнинг (*-ги кел-*) ўртасига кўшилиб қолади, бу кўшимчалар отга хос белгиларини йўқотиб, феъл шакллари – тусловчи мақомини олади. Шу ўринда аналитик шаклнинг иккинчи қисмидаги *-ади* шакли мавқеига ҳам ойдинлик киритиш зарур. Деярли барча грамматика ва илмий ишларда *-ади* шакли феълнинг III шахс бирлиги шакли деб кўрсатилади¹. Шу қурилмада эгалиқ кўшимчалари тусловчилар вазифасини бажариб, тегишли шахс-сон маъносини ҳам вужудга келтиради. Бу ўринда *-ади* шаклида *-а* ҳозирги-келаси замон маъносини билдиради, *-ди* эса аслида *турур* феълнинг қолдиқ шакли бўлиб, шахс-сон категориясига бирор даражада алоқадор эмасдек. Солиштиринг: *боргиси кела турур > боргиси келадур > боргиси келади*. Демак, III шахсда шахс-сон маъноси ноль морфема орқали ифодаланган. Бошқа туркий тилларда *турур* шаклининг қисқариши янада чуқурлашган: қирғиз тилида *баргиси келет*. Татар тилида эса тамомила тушиб қолади: *баргиси кела*.

¹ Ҳожиёв А. Феъл. – Тошкент, 1973. – Б. 69–71.

Иккинчи бобнинг «Қўшимчалар тизимида мураккаб шаклларнинг қўшма аффиксларга муносабати» деб номланган иккинчи бўлимида мураккаб шаклларнинг қўшма аффикслар билан ўхшаш ва фарқли томонлари ўрганилган.

Шуниси характерлики, айрим яхлит тил бирлиги – қўшма аффикс қисмлари орасида маълум вазифадаги мустақил аффикс пайдо бўлиши мумкин: жумладан, равишдошнинг *-гунча ...*, *-ганча* аффиксли шаклларида шундай ҳодиса кузатилади: *келгунча, келгунимча, келгунингча, келгунича; келгунимизча, келгунингизча, келгунларича; келганча – келганимча, келганича...*

-гача шаклида иккинчи қисм (-ча)нинг маъноси актуал бўлиб, *-га* – туташтирувчи (асемантик) бирликка айланган; иккинчидан, мустақил шакл бўлганидан, *-гача* (уйгача, шаҳаргача) боғланиб келадиган феъллар билан *-га* жўналиш келишиги боғланадиган феъллар фарқланади. Ҳозирги тилда *-гунча*, *-гача* каби аффикслар худди *-гудек* (келгудек: -гу: келаси замон сифатдоши), *-ларча* (ўнларча), *-тача* (юзтача) қўшма аффикслари каби яхлит тил бирликлари бўлиб, агар уларнинг ташкил этувчилари алоҳида-алоҳида олиб қараладиган бўлса, тил системасига тегишли парадигмалардаги бинар-оппозитивлик муносабатларига путур етади. Чунки ҳар бир тил элементи, содда ёки қўшмалигидан қатъи назар, синхрон ҳолатда ўз ўрни ва мавқеига эга. Албатта, кўмакчилар ҳам, юклама ва боғловчилар ҳам муайян вазифада морфемик майдонга тортилади. Морфем синтагматикада уларнинг ҳам ўзига хос ўрни ва ҳиссаси бор.

Қўшма аффикс ҳамда мураккаб шакллар қуйидаги белгилари билан ўзаро фарқланади:

1. Қўшма аффикс таркиб жиҳатидан энди содда аффикс мақомини олган бўлади: *-чи+лик*, > *-чилик*, *-гарчилик*, *-гар*, *-қич*, *-моқ+да* > *-моқда*, *-(и)м+си+ра* > *-(и)мсира* кабилар.

Мураккаб шакл эса феъл негизига бириктирувчи восита билан ташқи кўриниши мустақил сўзга ўхшаб кетувчи кўмакчи сўз бирлигидан ташкил топади: *-(и)б юбор-* (кулиб юбор-), *-а сол-* (айта сол-), *-а ёз-* (йиқила ёз-), *-а чиқ-* (айта чиқ-)...

2. Қўшма аффикс икки ва ундан ортиқ қисмлардан таркиб топади: *-гар+чи+лик*: ёғингарчилик, *-(и)н+қи+ра*: босинқира. Аналитик формант эса доим икки қисмли бўлади: *-са эди* (ўқиса эди), *-й кўр* (сўрай кўр). У иккидан ортиқ бирликдан ташкил топган бўлса ҳам, одатда, икки қисмга ажратилади. *Айтиб қўя қолди* каби;

3. Қўшма аффикс маълум синтагмаларда ҳар хил – кучли, кучсиз позицияларда кела олса, аналитик формантнинг иккинчи қисми, синтагманинг ёпувчи аъзоси сифатида кучли позицияда келади: *-(и)б чиқ* – (ўқиб чиқ), *-(и)б юбор* (айтиб юбор-);

4. Қўшма аффикслар аналитик формантлардан туғилиши мумкин (*-макта турур-* > *-мактадур-* > *-макта-* > *-моқда*), ўз навбатида, қўшма аффикслар аналитик формантларнинг биринчи қисми бўлиб келади: *-моқчи эди*, *-моқда эди*.

Иккинчи бобнинг «Морфемалар тизимида аффиксоидлар масаласи» деб номланган учинчи бўлимида кўпгина аффиксоидларга, жумладан, *-хона* аффиксоидига алоҳида тўхтаб ўтилган.

Туркий тилшунослик ва Европа тилшунослигида мустақил сўзларнинг ёрдамчи сўзларга айланиши жараёнлари, қўшимчаларга маънодош бирликлар – аффиксоидлар хусусида сўз борганда, уларнинг 50-йиллар бошида герман тиллари тадқиқотчиси М.Д.Степанова томонидан «ярим аффикс», («полуаффикс»), «полупрефикс», «полусуффикс») атамаси билан тилшуносликка киритилганлигини эслаш лозим.

-хона аффиксоиди қўшилиши натижасида пайдо бўлган бирликлар турли хилдаги жой ва тушунчаларни, хусусан: 1) айнан нарса турадиган жой номларини; 2) айнан бир фаолият олиб бориладиган жойларни; 3) айнан янги маънодаги бирликлар ва тушунчаларни ифодалайди.

Бу аффиксоид қўшилиши натижасида ҳосил бўлган ясалмалардан асос ва ясовчи қисмлар ўртасидаги боғлиқликларни кузатганимизда турли номутаносибликлар борлиги маълум бўлди.

Тилшуносликда *-жон*, *-хон*, *-ой*, *-бек*, *-бой*, *-той*, *-гул*, (*-дор*), *-нома*, *-гоҳ* морфемалар тизимини бойитиб турган аффиксоидлар сифатида қаралса, *энг*, *гоят*, *гоятда*, *багоят*, *ниҳоятда*, *жуда*, *эди*, *экан*, *эмиш* шакллари ҳам аффиксоид ҳолатига келиб қолган бирликлар¹ сифатида қарашлар ҳам мавжуд.

Диссертациянинг учинчи боби «**Кенгайган шакл**»лар ва уларнинг тил тизимидаги ўрни» деб номланади. Сўзнинг мазмун-вазифа жиҳатидан бирор позициядаги мавқеини мустаҳкамлаш учун А. Ғуломов таъбири билан айтганда, кучайтирувчи аффикслар ёрдамга келади. Кучайтирувчи аффикслар қатнашадиган қурилмалар ҳозирги тилда муайян андоза (қолип) мақомига эга. Тадқиқотнинг учинчи боби айтиши шу қурилмалар таҳлилига бағишланган.

Мазкур бобнинг биринчи бўлимида «Кенгайган шакл» тушунчаси ва у билан боғлиқ тарихий жараёнлар» тадқиқ этилган.

Туркий тиллар, шу жумладан, ўзбек тили морфологик қурилишида ташқи томондан қўшма аффиксларга ўхшаб кетадиган бир қанча бирликлар мавжуд. Туркий тиллар ўзак ва қўшимчалар тизимидаги ана шундай бирликларни таниқли туркийшунос олим П.М.Мелиоранский «кенгайган» («расширенные»), «ёйиқ» шакллар, уларнинг зиди бўлган бирликларни «кенгаймаган», «қисқа» бирликлар деб номлаган эди. Унинг фикрича, *сўр-сўра*, *қиз-қизи*, *бит-бити*, *бур-бура* шаклларидаги иккинчи қисм – «қисқа» ўзакларнинг «кенгайган» шаклидир.² Улар тил тизимидаги жараёнларнинг ҳосиласидир.

Туркий тилларда ундош+унли+ундош кўринишдаги ўзаклар (йан – «ёнмоқ», йал – ёлқин – «ёнмоқ», йақ – «ёқмоқ»)нинг аффикслар билан мураккаблашишини илк бор В.В.Радлов (1906 йилда) «Туркий тиллар морфологиясига кириш» мақоласида асослаб, уни гиперрагглютинация деган эди. Кейинчалик Г.И.Рамстедт, М.Н.Рясянен, К.Менгес, А.Зайончковский, В.Банг, Э.В.Севортян, А.Ғ.Ғуломов, Г.Ф.Благова каби олимлар қадимги давр

¹ Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Т.: Университет, 2006. – Б. 116, 187, 204.

² Мелиоранский П.М. Араб-филолог о турецком языке. – СПб., 1900. – С. 59–64.

тилларида ўзакнинг турли типлари ўзаро муносабатда бўлганлигини, ўзак ҳам тарихан ривожланувчи ҳодиса эканлигини кўрсатиб бердилар.

Турли даврларда тил бирликларидаги маъновий ўзгаришлар ўзакнинг мураккаблашувига олиб келади. Маъноси хиралашган, ишлатилиш доираси чекланган аффикслар ўзак-асос таркибига яхлитланади, аввалги маънони тиклаш, кучайтириш учун янги фаол бирлик – аффикс орттирилади. Фузия қонунияти туфайли ҳозирги ўзбек тилида ҳам қисқа шаклларнинг «кенгайган» кўринишлари мавжудки, уларнинг бир қисми шаклан қўшма аффиксларга ўхшаб кетади. Лекин уларнинг орасида муҳим тафовутлар борлиги уларни турли мақомга эга бирликлар сифатида ўрганиш заруратини вужудга келтиради.

Тилнинг тарихий тараққиёти давомида турли сўзлар ва улар таркибидаги аффикслар маълум даражада ўзгаради, ривожланади. Бу тараққиёт тил бирликларининг ўзгариши (кенгайиши, торайиши)га сабаб бўлади. Туркий тилларда, шу жумладан, ўзбек тилидаги баъзи сўз ва қўшимчалар ҳамда уларнинг бирикуви натижасида ҳосил бўлган бирликлар турлича ўзгарган ёки қисман маъносини, шаклини йўқотган. Шундай бирликлардан бири чиқиш келишиги қўшимчаси *-дан* ҳисобланади. Бу морфема баъзи сўзларда асемантик бирлик сифатида қотиб қолган. Ўзбек тилидаги жуда кўп сўз шаклларда *-дан* қўшимчаси асос билан бирликда қўлланар экан, таркибида айни қўшимча бўлган сўзшакллар конверсияга учраб, *бирдан*, *тўсатдан*, *ичдан* сингари янги бирликларни ҳосил қилади ёки сўз таркибида бошқа вазифани бажаради: *тездан* (*тезда* ҳам шундай) каби. Бундай қотиб қолиш ҳолатлари ва ўзгаришлар тарихан чиқиш келишиги қўшимчаси маъносидан анча йироқлашиб, соддалашган *бирдан*, *қўққисдан*, *ўз-ўзидан* (*ўзидан ўзи*), *узундан узун*, *очиқдан очиқ* сингари сўзларда кузатилади.

Сўзнинг морфем таркиби ҳақида фикр юритганда, уларни таркибий қисмларга ажратишни, ажратилган қисмларни аниқлашни, сўз таркибида юз берган ўзгаришларни аниқлашни ҳам назарда тутамиз. Чунончи, аввалги ҳолатидан бир қадар соддалашган *бижимоқ* (*бижғимоқ*), *билан* (*бирлан*, *ила*, *ла*), *бурама* (*буралма*), *тескари* (*терскари*), *борай* (*борайин*), *пасай*, *сусай* (*паст+ай*, *суст+ай*) сўзлари таркибининг тарихий жиҳатдан ўзгариши каби ҳолатлар.

Ўзбек тилига хос бўлган агглютинатив-аналитик тузилишдан келиб чиқиб, шуни қайд этиш ўринлики, икки сўзнинг ёнма-ён, ёндош келиши натижасида иккинчи сўз ўз маъно-вазифасидан узоқлашиб, дастлаб кўмакчи сўзга, сўнг эса қўшимчага айланади. Бу жараёнга феъл сўз туркуми нисбатан кўп тортилади ва феълга хос бундай шакллар кўпчиликини ташкил қилади. Масалан, *бориб турур – борибдур – борадур – боради*; *кела турур – келадур – келади* каби мисолларда икки сўзнинг бирикиши тил морфем қурилишида *-ди* морфемасини ҳосил қилган.

Тарихий тараққиёт босқичларида турли асос морфемалар ва аффикслар маълум даражада ривожланади, ўзгаради. Бу тараққиёт тил бирликларининг ўзгариши (маъноси, вазифаси ва шаклининг кенгайиши, торайиши)га сабаб

бўлади. Морфема ва сўзларнинг бундай шакл ва мазмун муносабати узоқ тарихий жараёнларнинг маҳсулидир.

Учинчи бобнинг иккинчи бўлими «Кенгайган шакл»ларнинг айрим турлари» деб номланиб, *-моқлик*, *-ишлик*, *-ганлик* «кенгайган шакл»ларининг тадқиқига бағишланган.

-моқлик «кенгайган» шакли икки қисмдан иборат бўлиб, *-моқ* феълнинг ҳаракат номи қўшимчаси, *-лик* қисми ҳозирги ўзбек адабий тилида фаол от ясовчи бирлик саналади. *-моқ* шакли *-чи* қўшимчаси ҳамда *бўл* кўмакчи феъли билан ёки яққа ҳолда муайян ҳаракатни бажариш мақсад-истаги, бажарилиши кутилган, мўлжалланган ҳаракат маъноларини англата бошлаган: эски ўзбек тилида: *бизга кошулмак болдї* – «бизга қўшилмоқчи бўлди»; қозоқ тилида: *кәлмәкші адам* – «келмоқчи бўлган одам»; ўзбек тилида: бир нарсани олмоқчи бўлсин»¹. Демак, ҳозирги ўзбек тилида мақсад майли маъносини англатувчи ҳаракатни бажариш истаги ва хоҳиши маъносини мустаҳкамлаш учун *-чи* шаклини орттириш туфайли пайдо бўлган. Кўринадики, *-моқчи* шакли ҳам тил тараққиётининг маълум даврларида «кенгайган шакл» мақомида бўлган.

